

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПРИМОВ БАХРИДДИН АБДИРАХМОНОВИЧ

**АХБОРОТ ОҚИМИ ЖАДАЛЛАШУВИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Примов Бахриддин Абдирахмонович

Ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири (ижтимоий-фалсафий таҳлил) 5

Примов Бахриддин Абдирахмонович

Влияние ускорения информационного потока на духовно-нравственное воспитание молодёжи (социально-философский анализ) 22

Primov Bakhriddin Abdiraxmonovich

Influence of acceleration of information flow on spiritual and moral education of youth (social and philosophical analysis)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПРИМОВ БАХРИДДИН АБДИРАХМОНОВИЧ

**АХБОРОТ ОҚИМИ ЖАДАЛЛАШУВИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Fal 102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Саифназаров Исмоил Саифназарович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўйчиев Бердиқул Тўрақулович**
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ғаффарова Гулчехра Ғуломжановна
фалсафа фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

У.А.Махкамов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
доктори (PhD)

Г.Т.Махмудова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам миллий кадриятлар, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ахборот ва сўз эркинлиги глобал моҳият касб этиб, у инсон тафаккури, ёшлар маънавий-ахлоқий кадриятларига гоҳ ижобий, гоҳ салбий таъсир кўрсатадиган қудратли воситага айланмоқда. Бу эса ўз навбатида бутун дунёнинг глобал ахборот тизими (ўргимчак тўри) билан қамраб олиш жараёнини тезлаштирмоқда. Глобал ахборотлар замони, деб ном олган ҳозирги даврда бу ғоят муҳим ҳисобланмоқда.

Жаҳоннинг илғор илмий тадқиқот муассасалари томонидан олиб борилаётган илм-фан тараққиёти муаммоларини тадқиқ этиш билан бирга ёшлар тарбияси масаласи ҳам долзарб муаммога айланмоқда. Бугунги кунда илмий салоҳият орқали тўпланган интеллектуал бойлик ҳамда техноген цивилизация инсонларни миллий-маънавий ва ахлоқий кадриятлардан бегоналашувга олиб келмоқда, бу каби иллатлар миллий кадриятларга нисбатан эътиборсизлик, ишончсизлик ва бефарқлик каби иллатларни вужудга келтирмоқда. Сўнги йилларда ер юзидаги баъзи даврларда жамият ва инсонлар келажагига путур етказувчи ахлоққа зид нормаларни қонун даражасига кўтаришга уринмоқдалар. Ушбу муаммоларни ечиш учун жаҳондаги етакчи олим ва амалиётчилар томонидан муҳим тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ахборот соҳасидаги ислоҳатлар ҳам жамиятдаги тараққиётда муҳим ўзига хос тенденцияларини белгилаб бермоқда. Жумладан, ахборот технологиялари ва ахборот (интернет) тезкорлигини ошириш ва ривожлантириш ҳақида “Бугунги шароитда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантиришимиз, информацион тизимлар комплекслари ва “Электрон ҳукумат” ахборот базасини шакллантиришимиз керак”¹лигини тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида инсонлар учун вақт тежамқорлиги ва бажарилиши керак бўлган иш самарадорлиги ошиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – 1-жилт – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 15-бет.

самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон қарори, 2018-2019 йилларда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланиши I. “Ахбороташган жамият ва демократик давлат ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари”нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот ва ахборотлаштириш масалалари, уларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига таъсири кўпгина олимлар, файласуфлар, тадқиқотчи ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб келган. Шунинг учун ҳам мазкур муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш учун иқтисодий, техник, ижтимоий-маданий ва фалсафий ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб борилган.

Ҳозирги кунда ахборот оқими назарияси илмий-методологик жиҳатдан ишланган. Бу назарияга Ж.Фон Нейман, Н.Виннер, К.Шенон каби олимлар томонидан асос солинган. Ахборот ва ахборотлаштиришнинг фалсафий-методологик масалаларини таҳлил этиш асосида В.Канке, А.Ракитов, В.Стёпин, В.Горохов, М.Розов сингари олимлар махсус илмий-назарий қарашларни ишлаб чиқишган. Жумладан, В.Канке “Ахборот ва ахборотлаштириш масалалари ўзининг рационал асосларига эга. Буни Лейбниц ва Декарт қарашларида кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам Норберт Винер, “Агар менга фалсафа тарихида танлаш имконияти берилганида эди, мен Лейбницнинг қарашларини кибернетика учун асос қилиб олган бўлардим”¹, деган эди. Чунки, Лейбниц бир пайтнинг ўзида файласуф, физик, математик, техник, тилшунос ва мантиқшунос бўлган. А.Ракитов эса қуйидаги фикрларни таъкидлаган: “Компьютер инкилоблари фалсафий тафаккур тарзининг ўзгаришига олиб келди. Шунинг учун ҳам фалсафий-методологик масала сифатида ахборотлашган ёндашув каби кенг қамровли янги тушунча пайдо бўлди”². В.Стёпин, В.Горохов, М. Розовнинг қайд этишича, “Ахборот техникаси ва технологиясининг ривожланиши инсон ва компьютер муносабатлари доирасида янги имкониятларни яратиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермоқда”³. Бу мисоллар ахборотни тадқиқ қилишнинг кўплаб таърифлари мавжудлигини кўрсатади. Чунончи, ахборот ташқи муҳитга мослашиш жараёнида олинган маълумот, сигналнинг мазмунини ифодалаш⁴; ранг-барангликни ифодалаш⁵; танлаш

¹ Винер Н. Человек управляющий. СПб: Питер, 2001. -С.25.

² Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. –Москва: Политиздат, 1991. -С.334.

³ Стёпин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Философия, наука и техника. Москва, Контакт-Альфа, 1995. С.89.

⁴ Каранг: Ўша асар. 48-бет.

⁵ Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. Москва, Дело, 1993. -С.405.

эхтимоллиги¹; хилма-хилликнинг акс этиши² ва ҳоказолар ҳам шундай таърифлар сирасига киради. Бу таърифларнинг ҳар бири “ахборот” тушунчасининг муайян қиррасини очиб берсада, бу тушунчага ханузгача аниқ таъриф берилгани йўқ.

Ахборотнинг моҳияти тўғрисидаги турли нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, ахборот атрибутив ва функционал хусусиятларга эга, деб таъкидлаш мумкин. Баъзи бир муаллифлар ахборотнинг атрибутивлигини тан олишиб, уни материядаги барча моддий объектларга тааллуқли хусусият сифатида таърифлашмоқда (Б.Ахлибининский, Л.Баженов, Б.Бирюков, К.Морозов, И.Новик, Л.Петрушенко, А.Урсул, О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Р.Имомалиева, И.Саифназаров, С.Сангинов, Б.Тўраев, Б.Каримов, Ш.Қўшоқов, Н.Шермухамедова, Г.Ғаффарова, Э.Иззетова, А.Тулупов, М.Ёкубова, Муҳаммад Амин Яҳё ва бошқалар).

Ахборот, ахборотлаштириш жараёнларига оид муаммолар билан шуғулланган хорижлик олимлардан Д.Белл, О.Тоффлер, М.Кастельс, У.Ростоу, П.Дракер, Дж. Гелбрейт, В.Иноземцев, Ф.Уэбстер, А. Чернов, Р.Абдеев, И.Мелюхин³ ва бошқаларнинг ишларини алоҳида қайд этиш керак. Бу олимлар ахборот ва ахборотлаштириш масалаларини “постиндустриал жамият” ва “ахборотлашган жамият” концепцияларининг синоними сифатида тадқиқ этиш орқали уларга умумижтимоий ва фалсафий масала, деб қарашган. Бироқ, улар ахборот ва ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига ижобий ёки салбий таъсири масаласини ёритиб берувчи қарашларни илгари суришмаган. Уларнинг асосий эътибори глобал ахборотлашган жамият ғоясини тадқиқ этишга қаратилиб, жамият таракқиётининг турли мураккаб зиддиятли кўринишлари очиб берилган, холос. Аммо, ушбу илмий тадқиқот ишларида ахборот, ахборотлаштириш жараёнларининг баъзи фалсафий-ижтимоий масалалари ўрганилган. Шу боисдан ахборот, ахборотлаштириш, ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси масаласи алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Умуман олганда, ахборот, ахборотлаштириш жараёнлари ҳақидаги қарашларни тизимли ёндашув асосида таҳлил қилар эканмиз, биз ўз тадқиқотимизда ахборотнинг гносеологик, аксиологик ва

¹ Яглом Т. Массовые коммуникации в современном мире: методология анализа и практика исследования. СПб.: Питер, 2000. -С.190.

² Урсул А.Д. Диалектика определенности и неопределенности. Кишинев, 1996. -С.61.

³ Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования /Д. Белл. – Москва: Academia, 1999; Тоффлер О. Футурошок /О.Тоффлер. – СПб.: Лань, 1997; Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество, культура /М.Кастельс. – Пер. с англ. Под науч. Рук. О.И. Шкаратана. – Москва: 2000; Ростоу В. Стадии экономического роста /В.Ростоу. – Пер. с англ. - Нью-Йорк: 1960; Дракер П. Посткапиталистическое общество //Новая индустриальная волна на Западе: Антология / Под ред В.Л. Иноземцева. – Москва: Academia, 1999; Гелбрейт Д. Справедливое общество. Гуманистический взгляд. – Boston-NY, 1996; Иноземцев В.Л. Перспективы постиндустриальной теории в меняющемся мире // Новая индустриальная волна на Западе: Антология. – Москва: Academia, 1999; Уэбстер Ф. Теории информационного общества /Фрэнк Уэбстер; Пер. с англ. М.В. Арапова, Н.В. Малыхиной; Под ред. Е.Л. Вартановой. – Москва: Аспект Пресс, 2004. Чернов А.А. Становление глобального информационного общества. Проблемы и перспективы / А.А. Чернов. – М.: 2003; Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации: Учебное пособие /М.: ВЛАДОС, 1994; Мелюхин И.С. Информационное общество: истоки, проблемы, тенденции развития /И.С. Мелюхин. – Москва: Изд-во Московского университета, 1999.

маънавий-ахлоқий масалалари, ахборотлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг имлий тадқиқот билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий фалсафа” кафедрасининг “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фалсафий, тарихий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бадиий кадриятларини таҳлил қилиш ва фуқаролик жамияти шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари” номли комплекс илмий тадқиқот мавзуси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот, ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири жараёнларининг ижтимоий-фалсафий муаммоларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот майдонидаги глобаллашув даврида интеллектуал мулк эгалари сунъий интеллект яратишда бошқарувчи (регулятив) вазифасини бажараётганлини фалсафий қарашлар асосида талқин этиш;

миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар ҳамда тарқатилаётган ахборотлар таълим-тарбияда бир-бирига зарурий компонент эканлигини ижтимоий фалсафий таҳлил этиш;

узатилаётган ахборот орқали ёшлар маданиятидаги имижнинг ўзгариши, ёшлар онгига салбий таъсир этишини асослаб бериш;

инсон учун зарур бўлган ва ОАВ орқали талаб қилинадиган билим ахборотни қайта тиклаш механизмининг ишга туширишини аниқлаб бериш.

Тадқиқотнинг объектини ахборот оқими жадаллашувининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ёшлар ва маънавий-ахлоқий кадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда унинг ижтимоий-фалсафий муаммолари таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида холислик, тизимли ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, гносеологик ва аксиологик таҳлил каби тамойилларга таянилди. Илмий изланишлар жараёнида анализ ва синтез, кузатиш, қиёсий таҳлил, ворисийлик, умумлаштириш, комплекс ёндашув каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ахборотлашган даврда интеллектуал мулк эгалари креатив фикрлаш (ижодий яратилган ижтимоий тармоқлар, сайт ва веб саҳифалар) орқали ахборотга эгалик қилиш учун сунъий интеллект яратишда регулятив (бошқарувчи ва йўл кўратувчи) вазифани бажараётганлиги очиқ берилган;

умуминсоний ва миллий маънавий-ахлоқий кадриятларга асосланиб тарқатилаётган ахборотлар (ҳар бир миллатнинг урф-одат ва анъаналари, диний муносаблигидан келиб чиққан ҳолда) мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим-тарбия стратегиясининг зарурий компоненти эканлиги исботланган;

узатилаётган ахборот орқали ёшлар дунёқараши ҳамда маданиятидаги

кийиниш имижнинг ўзгариши, ёшлар онгига ва ахлоқий тарбиясига (ҳиссий ва руҳий ҳолати, ҳулки ва одоби) салбий таъсир этиши ахборот қадирсизлашига олиб келиши асослаб берилган;

инсон учун зарур бўлган ва ОАВ орқали талаб қилинадиган билим ахборотни қайта тиклаш механизми (таълим ва тарбияда муҳим ахборот)ни ишга тушуриши прагматик ҳамда рационал хусусият (фойдали амалий иш харакатига ва ақлий жараён) ларга ижобий таъсир этиши аниқлаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, ёшларда маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантиришда миллий тарбияга асосланган иммунитетни шакллантириш орқали ғоявий ва мафкура соҳасидаги чет эл ҳамда республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи социологик тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентивлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти шундан иборатки, унда ёритилган фикр-мулоҳаза ва хулосалардан ахборотлаштиришнинг жамият тараққиётида маънавий, иқтисодий ҳаётга, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига, ахлоқий кадриятларга таъсири ва амалий чоралар кўришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда берилган хулоса ва тавсиялар мамлакатимизда ахборотлашган жамият куриш концепциясини ишлаб чиқишда муқобил қараш сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот оқими жадаллашуви шароитида ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга доир ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таҳлилга таклифлар асосида:

интеллектуал мулк эгалари ахборотга эгалик қилиш учун креатив фикрлаш орқали сунъий интеллект яратишда бошқарувчи (регулятив) вазифани бажараётганлиги талабаларда олиб борилган социологик сўровлар, мавзуга доир дарс машғулоталари жараёнида зарур билим ва тажрибаларини шакллантириш орқали Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети бакалаврият таълим йўналиши талабаларига “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан “Ғоявий таҳдидларнинг йўналишлари”, “Мафкуравий фаолият миллий ғояни амалга ошириш воситаси”, “Мафкуравий таҳдид ва ахборот хавфсизлиги”, “Глобаллашув жараёнида мафкуравий иммунитетни шакллантириш вазифалари”, “Тафаккур ўзгариши ва маънавий янгиланишда миллий ғоянинг роли” мавзуларни ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 01-07-15-1145-сон маълумотномаси). Ўтказилган амалий натижалар орқали талабаларда замонавий ахборот маконидаги таҳдидларнинг олдини олишда маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантириш бўйича тажрибаларининг ошишига хизмат қилган;

умуминсоний ва миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар ҳамда

тарқатилаётган ахборотлар таълим-тарбияда бир-бирига зарурий компонент эканлиги олиб борилган Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаларига маъруза ва семинар машғулоти орқали “Илмий тадқиқот методологияси” фанидан “Илмий тадқиқотда ахборот ва ахборот технологиялари таъсири” мавзусини ўқитиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 01-07-15-1145-сон маълумотномаси). Натижада талаба ёшларда билим ва маънавий-ахлоқий кадрларга нисбатан иммунитетни ҳамда интеллектуаллиги ошишига кўмаклашилган;

узатилаётган ахборот орқали ёшлар маданиятидаги имижнинг ўзгариши, ёшлар онгига салбий таъсир этиши, ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар ҳаётига гоҳ ижобий ҳамда салбий таъсирининг кучайиши, маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашишда, баркамол авлод тарбияси, аввало, унинг миллий кадрларга содиқ ҳолда, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетини юксалтириш масаласи долзарблиги, ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишувида муҳим ўрин эгаллаши, миллий ахлоқий кадрларнинг умуминсоний жиҳатларини шакллантириш ҳамда миллий урф-одатларимизга салбий таъсир кўрсатувчи ахборотларнинг ғоявий-мафкуравий ўзгаришларни олдини олишда республикамиз вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ва бошқа ҳудудларидан келган тингловчиларга берилган таклиф ва тавсиялар асосида амалиёт жараёнида қўллаш учун (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2019 йил 30 апрелдаги 01/95-сон маълумотномаси) керакли кўрсатма берилган;

инсон учун зарур бўлган ва ОАВ орқали талаб қилинадиган билим ахборотни қайта тиклаш механизмини ишга тушириши оқали талаба ёшларни ўқув-машғулоти ва таълим-тарбия асосида уларнинг онгида миллий, маънавий-ахлоқий кадрларни юксалтириш учун олиб борилган маъруза ва семинар дарс машғулоти орқали “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанидан “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш” мавзусини Ўзбекистон Миллий университети талабаларини ўқитиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги берилган 01-07-15-956-сон маълумотномаси). Натижада ижтимоий фанларнинг мазмунини бойитишга, талабалар билимини оширишга ёрдам берган;

умуминсоний ва миллий маънавий-ахлоқий кадрларга асосланиб тарқатилаётган ахборотлар мамлакатимизда амалга ошириётган таълим-тарбия стратегиясининг зарурий компоненти эканлиги асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 19 март куни бўлиб ўтган йиғилишида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга қаратилган ислохотлар кўламини кенг

миқёсда амалга ошириш учун амалий таклиф ва тавсиялар асосида амалий фаолиятда қўллаш орқали (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2019 йил 20 майдаги 08/2566-сон маълумотномаси) амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад, вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Ахборот оқими жадаллашувининг инсон ва жамият маънавий-ахлоқий ҳаётига таъсирини ўрганишнинг назарий методологик масалаларига диссертациянинг **биринчи боби** бағишланган. Ахборот орқали инсонларда билим олиш соҳаси энг қадимдан мавжуд бўлиб, бу атроф-муҳитни ўрганишга олиб келган. Ибтидоий даврда ҳам, ҳозирги даврда ҳам ахборотларга эга бўлиш эҳтиёж ва ҳаётий зарурат ҳисобланган. Жамиятдаги инсонлар учун ахборот – энг кучли таъсирга эга воситалардан бири. Олинаётган ва тўпланаётган билимда ахборот олишнинг оддий усуллари ҳам шу қадар муҳим аҳамиятга эгаки, ҳеч ким унга ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Табиатан инсон шундай яралганки, кундалик ахборотни қабул қилмасдан, тушуниб, тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилмасдан яшай олмайди. Ахборот бошқариш, таъсир ўтказиш, яратиш кучига эга бўлиб, у одамларни бошқаради ва таъсир доирасида ушлайди.

XXI аср бошига келиб ахборот алмашиш шу қадар тезлашдики, уни назорат этишнинг имкони қолмади. Шунинг учун ахборот тарқатувчилар ахборотларни кетма-кетликда усталик билан жойлаштирмоқдаки, унга

ишониш ёки ишонмасликнинг иложи йўқдек. Ўтган асрлар давомида хукмронликка эришиш турли қуролли тўқнашувларни келтириб чиқарган бўлса, ҳозирги даврда буларнинг ҳаммасига ахборот орқали эришиш мақсад қилинган. Бунга ёрқин мисол сифатида, 2011 йилда “Араб баҳори” номи билан амалга оширилган ҳаракатларни келтиришимиз мумкин. Бу борада Интернет маконидаги ижтимоий тармоқларнинг кучайиши бу жараёни янада тезлаштирди. Дунё халқлари ва миллатларининг минг асрлик кадриятлар ва маънавий-ахлоқий ҳаётини ўзгартиришга, издан чиқаришга бўлган интилишлардан билиш мумкин. Айниқса, ёшлар онгини эгаллашга бўлган уриниш ва улар тарбиясини издан чиқаришга қаратилган тарғиботлардан ҳам билса бўлади.

Ҳозирги замон илм-фан, техника ютуқлари эса ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжни янада оширди. Техник воситалар ва қурилмалар асосида ахборот алмашиш ўзининг тезкорлиги, арзонлиги ва вақт тежамкорлиги каби қулайликлари билан жуда катта тараққиётга эришди. Ахборот оқимининг тезлашуви халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. ОАВ инсонларнинг ички, руҳий ва тафаккур оламини бойитувчи ёки таназзулга етакловчи бош омил бўлиб улгурди. Бугун инсонлар ўз ҳаётини кизиқишларини айнан шу орқали олишмоқда.

Ахборот – (лотинча “infomatio” – тушунтирмақ, баён этмоқ ҳамда арабча “хабар ва маълумот” деган маъноларни билдиради) ҳозирги замон ОАВнинг асосий энг муҳим тушунчаридан бирига айланиб улгурди.

Ахборот оқими деб жонли ва жонсиз табиат объектлари ҳамда замонавий техник қурилмалар орқали тарқатилаётган хабар ва маълумотларга айтилади.

“XXI аср том маънода ахборот инқилоби асри деб ном олди. Бунинг асосини ахборот узатишдаги тезлик ва мўъжаз технологиялар ривожини ташкил қилмоқда. Албатта, оммавий ахборот воситаларининг кўп асрлик эволюцияси ва тараққиётидаги оламшумул кашфиётларга асосланади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: телеграф ва ротацион типографик машинанинг яратилиши (1847 й.), телефон (1870 й.), радио (1895 й.), симсиз телеграф (1922 й.), телевидение (1930 й.), 1946 йил АҚШнинг Сент-Луис шаҳрида радиотелефон алоқа тизими ҳам, у ҳозирги мобил алоқанинг илк кўриниши бўлган дастлабки уяли алоқа ҳам АҚШда (1972 й.) пайдо бўлди. Айнан ана шу кашфиётлар кейинчалик ахборот ва ахборотлаштириш соҳасидаги оламшумул воқеа–1986 йил Интернетнинг пайдо бўлишига олиб келди”¹.

1997 йилда эса, интернет тизимининг Ўзбекистонга кириб келишини таъминлади. Ўтган йиллар давомида катта ўзгариш ва имкониятларга эга бўлди.

Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий

¹ Чернов А.А. Становление глобального информационного общества: проблемы и перспективы. –Москва: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2003. –С 13.

бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндири”¹. Айтиш мумкинки, жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзагини ташкил этади. “Ахборот асри”, деб ном олган XXI асрда ахборот стратегик ресурс сифатида табиий бойликлар, энергия манбалари қаторидан жой олди. Бошқача айтганда, ахборот тараққиётнинг бош омилига айланди.

З.Бжезинский томонидан жозибадор, дея таърифланган Ғарб маданиятида қандай кадриятлар тарғиб қилинмоқда? Статистик маълумотларга кўра, ўша кўкларга кўтариб мақталаётган маданият эгаси бўлган ёш америкалик 18 ёшга келиб, компьютер ўйинларидаги 40 мингга яқин қотилликнинг гувоҳи ёки “муаллифи” бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, шундай навқирон ёшда у кинофильмлар орқали 200 мингга яқин (!) зўравонлик ҳаракатларининг шоҳиди бўлар экан². Бу жиҳатдан мутахассислар Ғарб маданиятига “ўлим ғоясини тарқатувчи маданият” сифатини беришмоқда. Оммавий ахборот воситаларида шов-шувга сабаб бўлаётган ҳодисалар-мактаб ўқувчисининг ўз тенгдошлари ёки ўқитувчисига қарата ўқ отиши, қурол билан ўқталиши ана шу маданият таъсирида юз бераётган ҳодисалар эмасми?

Яна бир манбага кўра, Европада эр, хотин ва фарзанднинг оилавий мажбуриятлардан “халос этилиши” оқибатида оила институти барҳам топа бошлади, натижада 17 та мамлакатда ўлим кўрсаткичлари туғилиш суръатидан ортиб кетди. Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия ва Эстония каби давлатларда беланчакдан кўра тобутга бўлган эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда³... Дунёнинг ривожланган айрим мамлакатларида жумладан, АҚШ ва Ғарбий Европада бир жинс вакилларига никоҳ орқали оила қуришга ва фарзанд асраб олишга рухсат берилганлиги, ота-онанинг фарзанд олдида нейтраллиги инсоний ва диний кадриятларнинг нечоғлиқ оёқ ости бўлаётганини кузатишимиз мумкин. Бундай мисоллар Ғарбга тақлидчиликни тараққиётнинг бирдан-бир шарти сифатида тақдим этаётган афсоналарнинг мағзи пучлигини кўрсатади. Боз устига, бугунги воқелик Ғарбда жамият ич-ичидан емирилаётгани, маънавий -ахлоқ инқирозга юз тутаётгани, тараққиёт орқага кетаётгани ҳақида гувоҳлик бермоқда.

Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланыпти. Онгни бошқариш (манипуляция) атамасига олимлар қуйидагича таъриф берадилар: “Манипуляция - инсонларга таъсир кўрсатиш ҳаракати бўлиб, уларни моҳирона бошқариш, хусусан, уларга объект сифатида қараб, писандасиз муносабатда бўлиш, яширин бошқарув

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001, 23-бет

² Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? -Москва, Новый век, 2002. 40-бет.

³ United Nations Secretariat, Department of Economic and Social Affairs, Population Division, *World Population Prospects: The 1998 Revision. Vol. 1: Comprehensive Tables*, November 24, 1998, pp. 100, 118, 152, 158, 164, 182, 202, 224, 240, 258, 268, 376.

ёки ишлов бериш”¹.

Манипуляция воқеаларнинг асл сабабларини манипулятор учун зарур бўлган йўналишда хаёлий, йўналтирувчи нарсаларга алмаштиришга асосланган. “Кўпинча онгни бошқариш, деганда яширин ҳолда амалга ошириладиган руҳий таъсирни тушуниш керак, демак, бу таъсир кимга йўналтирилган бўлса, ўша шахсга зиён етказишга хизмат қилади”².

Манипуляция – зўравонлик эмас, у инсонда бирор нарсага ҳавас туғдирувчи вазива, уни йўлдан оздириш усули.

Ҳозирги кунда ахборотларнинг кўпайиб бориши билан бирга ёшларда маънавийлик ва ахлоқийлик муаммоси ҳам биринчи ўринга чиқмоқда. Ахборотлаштириш жараёнлари, айниқса, инфор­мацион-коммуникация технологияларининг ривожланиши даврида ахборот ва ахлоқ муносабатларини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот инсон ҳамда жамият маънавиятини ё таназзул сари етаклайди ёки уни ўзгартириб, тўлдириб юксалтиради. Ижтимоий-ахлоқий турмуш асосида ахлоқ ётади, яъни у ижтимоий-ахлоқий тажрибани ҳаракатлантиради. Шунингдек, “сезги депривацияси” деган ахборотнинг йўқлиги кишига салбий таъсир кўрсатади³.

Маънавият ва ахлоқ инсон ва жамият ривожининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ахборотлашган жамиятда маънавият ва ахлоқни қайд этиб бориш усули ОАВдан берилаётган ахборотга асосланган. Ахборот жамияти инсоният тарихидаги ҳозирча энг сўнгги тамаддун бўлиб, унинг асосий маҳсулоти ахборот ва тафаккурдир. Тафаккур орқали берилаётган ахборот инсонни маънавий-ахлоқий бойитиши ва эзгулик учун интеллектга хизмат қилиши керак. Аҳамият берадиган бўлсак, дунёнинг жуда кўп бойлари айнан интеллект эвазига маблағ йиғишмоқда. Ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш орқали ҳар кеча-кундузда миллиардлаб маблағ айланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ахборот оқимининг кучайиши Интернет тармоқлари орқали сайтга кирувчиларни чексиз маълумотлар билан оҳанрабодек чорлаб, харидорлар эътиборига йирик корхона ва фирмаларнинг маҳсулотлари рекламасини ҳавола этиш натижасида “Сунъий интеллект” ва “Интеллектуал мулк” эгалари Microsoft (Билл Гейц), Google (Ларри Пейж ва Сергей Брин), Facebook (Марк Зукерберг), Apple (Стив Джобс), Телеграм ва Вконтакте (Павел Дуров) асосчилар ва бошқа шу қабиларни миллиардерга айлан­тирган.

Ахборот майдонидаги глобаллашув даврида ахборот хавфсизлиги ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига **иккинчи боб** бағишланган. Ахборот ва ахборот оқимини фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий тадқиқ этиш турли даврларда турлича мазмун-моҳият касб этган. Шу боис ахборот оқимининг келиб чиқиш ва ривожланиш муаммолари доираси ва қонуниятларини тўғри тушуниш асосида муносабатда бўлиш унинг кейинги ривожиди муҳим

¹ Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. Москва, “Алгоритм”, 2006, 15-бет.

² Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – Москва, “Алгоритм”, 2006., -С 16

³ Чирченко О.Н. Информационные аспекты компьютеризации- Москва: 1989. -С.8.

методологик аҳамият касб этади. Тадқиқот ишимизнинг мазкур бобида юқорида таъкидланган илмий масалаларга ўзига хос тарзда ечим изланган. Қолаверса, ахборот оқимига эҳтиёж ва унинг қондирилиши масаласи, шунингдек, Шарқ ва Ғарб ахборот оқими ривожининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини илмий таснифлаш билан бирга, уларни методологик жиҳатдан туркумлаштириш тамойилларига замонавий ахлоқшунослик ютуқлари асосида муносабат билдирилган.

Ахборот соҳасидаги глобаллашув жаҳонда етакчилик қилиш учун курашда ҳам намоён бўляпти. Чунки, ахборот технологияларининг ривожланганлик даражаси давлатнинг геосиёсий таъсирини белгиловчи омиллардан бирига айланмоқда. Бугунги воқелик бу ҳодисани ахборот неокOLONиализми, ахборот урушлари, инфорMацион фашизм, деб номлаётган олимларнинг гапида жон бор эканини кўрсатади. Яъни, глобаллашув дунёни бирлаштира туриб, айни пайтда уни емиряпти, деган хавотир жиддий асосга эга. Бу жараёни шарҳлашда жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувининг аҳамияти бўрттирилиб, дунёнинг ранг-баранглигини асраш муаммоси атайин хаспўшланмоқда. Ваҳоланки, глобаллашувни маданиятлараро мулоқот воситасига, миллий ўзига хосликни бойитувчи омилга, дунёдаги ранг-барангликнинг муҳим манбаига айлантириш мумкин. Мустамлакачиликни янгича шаклда тиклашга уринишлар айнан глобаллашув шиори остида амалга оширилмоқда. Бундай неокOLONиализмнинг ўзаро боғлиқ учта мақсади мавжуд: дунё устидан гегемонлик, жаҳон ресурсларига эгалик қилиш ва жаҳон бозорларида ҳукмронлик ўрнатиш. Глобал неокOLONиализм бир қатор стратегик вазифаларни ҳам ўз ичига олади. Мустақил давлатлар доирасидаги дезинтеграция жараёнларини рағбатлантириш, очиклик шиори остида уларнинг иқтисодиётини издан чиқариш ва мамлакатларнинг суверенитетини емириш каби вазифалар шулар жумласидандир. Бугунги воқелик мустамлакачилик сиёсатига асос бўлган мафкуралар ҳали завоЛ топмаганини кўрсатмоқда.

Бундай қарашлар замирида қандай мафкурафий мақсадлар ётганини пайқаш қийин эмас. Кейинги вақтда бутун дунёнинг ғарб раҳнамолигида бирлашуви, келгусида ҳукумати битта бўлган ягона давлат ташкил топишини, пулга сиғиниш ва индивидуализм фаласафасини тарғиб этаётган қарашлар тизими вужудга келмоқда, улар дунё қиёфасини қай тарзда ўзгартириб юбориши мумкинлигини ҳеч ким тасаввур қила олмайди. Шунга қарамай, бундай қарашлар барча воситалар ёрдамида, хусусан, оммавий ахборот воситалари, Интернет ҳатто, Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали зўр бериб тарғиб этилмоқда.

Биз бугун ана шундай инсоний ҳиссиётларни чулғайдиган ахборот хуружига қарши туришимиз лозим. Миллатимиз, халқимиз тасаввурларига, тарихий-маданий анъаналарига, шарқона одоб, ахлоқ нормаларига зид қарашлар, порнографик “асар”лар, сийқа санъат маҳсулотлари ва унинг ғайрияхлоқий жиҳатларига қарши курашишимиз заруратга айланмоқда. «Оммавий маданият», деб ном олган ушбу ғайрияхлоқий “асарлар” миллий

маданиятларга, миллий юксалиш жараёнига катта хавф туғдирмоқда.

Демак, бугун ҳар бир давлат учун ахборот маконида ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, ёш авлод онгини бегона ғоя ва мафкуралардан асраш миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Замонавий дунёда Интернетда ижтимоий тармоқларнинг оммабоплиги тобора ошиб бораяпти. Бу шундан далолат берадики, ижтимоий технологиялар Интернетдаги ахборот маконининг ажралмас қисмига айланган. Яқин Шарқда рўй берган воқеа-ҳодисаларни инобатга оладиган бўлсак, инсон эркинлиги учун курашга чорловчи «оммавий маданият» чиндан ҳам “Оломон маданиятига” айланиб улгурди («Араб баҳори», 2011), шу нарса янада ойдинлашдики, Интернетдаги ижтимоий тармоқларни эътибордан четда қолдириб бўлмас экан.

Дунё миқёсидаги алоқаларнинг кучайишида, айниқса, Интернетнинг ўрни бекиёс. Бугун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Одам боласи табиатан янгиликка, ахборотга ташна экан, ўз эҳтиёжларини қондиришда бутун дунё хабарномаси кейинги йилларда кўп маъқул ва номаъқул оқибатларга олиб келмоқда.

Мамлақатимизнинг миллий хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мафкуравий таҳдидлар ўта хатарли ва нозик тус олган бир шароитда аҳоли, айниқса, ёшлар ичида ғоявий тарбияга йўналтирган тарғибот ва аксилтарғибот ишларининг долзарб йўналиши сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтириш мақсадида Интернетдаги маълумотларни миллий ўзлик ва қадриятларни англаган ҳолда таҳлил қилиш, ижобий ва салбий жиҳатларини ажрата билиш саводхонлигини шакллантириш;
- ўсмирларга Интернетдаги қандай маълумотларни олиш керагу, қайсиларини қабул қилмаслик лозимлигини тушунтириш;
- ёш авлодга Интернетдаги фотосуратлар, видеолар ва шоуларни кўриш, томоша қилиш юзасидан зарур тавсиялар бериш;
- ёшларнинг Интернет тармоғидаги қизиқишларини мунтазам ўрганиш, бу борада уларга ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар керакли маслаҳатлар бериб бориши;
- келажак авлодни миллий маънавиятимизга, одоб-ахлоқимизга салбий таъсир этувчи ахборот ва ахборот асри таҳдидларидан ҳимоя қилиш;
- Интернетдаги ёшлар онгига таъсир этувчи хуруж ва таҳдидларга қарши таълим муассасаларида ахборот соатларини ташкил этиш, мунтазам тарғибот ишлари олиб бориш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат ёшларнинг, балки аҳолининг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган таҳдидлар ичида диний экстремизм ва миссионерлик, шунингдек, “оммавий маданият” ғоялари алоҳида ўрин тутмоқда. Шу нуқтаи назардан, тарғибот ишлари республикада

соғлом мафкуралари муҳитни таъминлаш, аҳолида диний экстремистик оқим, миссионерлар ва бошқа ёт мафкуравий марказларнинг тажовузларидан ғоявий иммунитетни шакллантириш, юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда, огоҳлик, шахсий масъуллик ва дахлдорлик ҳиссини оширишга йўналтирилган маънавий-маърифий фаолият тизимини англатади.

Ахборот оқими жадаллашуви шароитида маънавий-ахлоқий кадриятлар деб номланган **учинчи бобда** жамиятнинг ривожланиши нафақат фан ва техника тараққиётига, балки маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу маънода, ахборот оқими жадаллашган шароитда ахлоқий кадриятларга оид муаммолар доирасини, шунингдек, унинг ривожига хусусиятларини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш муҳим. Қолаверса, мазкур муаммолар доираси ва қонунларни тўғри тушуниш унинг кейинги ривожига муҳим методологик аҳамият касб этади. Тадқиқот ишимизнинг мазкур бобида юқорида таъкидланган илмий масалаларга ўзига хос тарзда ечим изланган.

